



ГЛОБАЛ РАҚОБАТ ШАРОИТИДА МИНТАҚАВИЙ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

Элов Дилшод Абдужабборович

*Ўзбекистон Миллий университети Иқтисодиёт факультети доценти,
И.ф.д. (DSc).*

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol13_iss3/751

Аннотация

Мақолада глобал рақобат шароитида минтақавий ижтимоий-иқтисодий ривожланишни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий йўналишлари ёритилган. Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий тизим сифатидаги мазмуни очиб берилган ҳамда уни ривожлантиришда стратегик режалаштириш ва прогнозлашнинг аҳамияти асосланган. Шунингдек, ҳудудий ихтисослашув, ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва агросаноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш орқали минтақалар рақобатбардошлигини ошириш масалаларига эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: минтақавий ривожланиш, давлат тартибга солиши, рақобатбардошлик, стратегик режалаштириш, прогнозлаш, агросаноат мажмуаси.

Аннотация

В статье рассматриваются основные направления государственного регулирования социально-экономического развития регионов в условиях глобальной конкуренции. Раскрывается содержание региона как социально-экономической системы, а также обосновывается значение стратегического планирования и прогнозирования в обеспечении его устойчивого развития. Особое внимание уделяется вопросам территориальной специализации, эффективного использования ресурсного потенциала и развитию агропромышленного производства как важного фактора повышения конкурентоспособности регионов.

Ключевые слова: региональное развитие, государственное регулирование, конкурентоспособность, стратегическое планирование, прогнозирование, агропромышленный комплекс.

Abstract

The article examines the main directions of state regulation of socio-economic development of regions under conditions of increasing global competition. The content of the region as a socio-economic system is revealed, and the role of strategic planning and forecasting in ensuring its sustainable development is substantiated. Special attention is paid to issues of territorial specialization, efficient use of resource potential, and the development of agro-industrial production as an important factor in enhancing regional competitiveness.

Keywords: regional development, state regulation, competitiveness, strategic planning, forecasting, agro-industrial complex.

Кириш

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий тараққиётнинг барқарорлиги, аввало, рақобат муҳитининг шаклланганлиги ва унинг самарали фаолият кўрсатиши билан белгиланади. Шу боис глобал иқтисодий маконда юзага келаётган ўзгаришлар шароитида давлатлар томонидан ҳудудлар рақобатбардошлигини оширишга қаратилган мақсадли сиёсат юритиш объектив зарурат сифатида намоён бўлмоқда. Бунда миллий иқтисодиётнинг халқаро рақобатдаги ўрни уни ташкил этувчи минтақаларнинг иқтисодий салоҳияти, ишлаб чиқариш таркиби ва ихтисослашув даражаси билан узвий боғлиқ ҳисобланади.

Жаҳон ҳўжалигида ишлаб чиқариш муносабатларининг чуқурлашиб бориши ҳамда глобал қўшилган қиймат занжирларининг кенгайиши натижасида иқтисодий фаолият фақат мамлакат даражасида эмас, балки ҳудудлар кесимида ҳам шаклланмоқда. Бу жараён минтақаларнинг халқаро иқтисодий алоқалардаги иштирокини фаоллаштириш, технологик ривожланиш суръатларини жадаллаштириш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, минтақавий иқтисодий сиёсатни такомиллаштириш миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини юксалтиришнинг муҳим институционал омили ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари давлат сиёсатида алоҳида ўрин эгаллайди. Хусусан, 2022–2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси”да минтақаларни комплекс ривожлантириш, уларнинг мавжуд ресурс ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш, ҳудудий ихтисослашувни чуқурлаштириш ҳамда миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциясини кучайтириш устувор вазифалар сифатида белгилаб берилган. Ушбу йўналишлар амалий жиҳатдан минтақалар иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ва уларнинг рақобат устунликларини шакллантиришга хизмат қилади.

Минтақавий ривожланиш жараёнларида ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш, табиий ва иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш, тармоқлар ўртасида мутаносибликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, агросаноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини оширишда устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Мазкур соҳада бошқарув механизмларини такомиллаштириш орқали аҳоли бандлигини кенгайтириш, даромадлар барқарорлигини таъминлаш ва ижтимоий фаровонлик даражасини ошириш имкониятлари яратилади.

Шу тариқа, минтақавий ривожланишни давлат томонидан тартибга солиш ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг муҳим таркибий қисми сифатида намоён бўлиб, унинг асосий мақсади ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий номуносаббатликларни камайтириш, барқарор ўсишни таъминлаш ва миллий иқтисодиётнинг глобал рақобатбардошлигини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Бугунги кунда мамлакатлар, жумладан, минтақалар рақобатбардошлигини ошириш зарурияти қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, глобал даражада мамлакатлар, шу жумладан минтақалар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш муносабатларида ўзаро боғлиқликнинг тобора кучайиб бориши. Бунда халқаро

бозордаги мамлакатлар ўртасида турли савдо урушларининг вужудга келиши оқибатида улар учун ташқи тўсиқларнинг кучайиши натижасида ички ва ташқи бозорлар чегараларининг ўзгариши жараёни содир бўлади. Мазкур вазиятда халқаро бозорда маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлаш устувор аҳамият касб этиб, ушбу вазифани ҳал этиш мақсадида минтақаларни маълум бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашувини кучайтириш зарурати пайдо бўлади.

Иккинчидан, глобал рақобат курашининг тобора кучайиши халқаро капитал оқимининг ўзгариши билан биргаликда трансмилий корпорациялар фаолиятини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради. Натижада глобал қўшилган қиймат занжирини яратишда иштирок этаётган мамлакатлар таркибида тегишли ўзгаришлар намоён бўлади. Бунда нисбий устунлик назариясига мувофиқ ишлаб чиқариш нуқталарини жойлаштиришда мамлакатлар, жумладан уларнинг минтақалари кесимида маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича устунликлар инobatга олинган ҳолда, нисбатан қулай шарт-шароитларга ва рақобат устунлигига эга бўлган ҳудудларга капитал оқими ҳажми ортади. Шунингдек, ушбу минтақаларнинг глобал қўшилган қиймат занжиридаги иштироки таъминланади.

Учинчидан, глобал рақобат кураши иштирокчилари таркибий кўрсаткичларининг ўзгариши кузатилади. Жумладан, улар сонининг ортиши, халқаро бозордаги етакчи ўринларни эгаллаб келган мамлакатларнинг айрим позицияларни йўқотиши ва бошқа ҳолатлар юзага келмоқда. Масалан, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда жаҳон бозорида Европа Иттифоқи, АҚШ ва Япония мамлакатлари sanoat маҳсулотлари бўйича етакчи ўринларни эгаллаб келган бўлса, бугунги кунда янги индустриал мамлакатларнинг жадал ривожланиши ҳисобига улар сони ортиб, етакчи мамлакатлар қаторида Ҳиндистон, Хитой, Лотин Америкаси мамлакатлари ҳам ўз ўрнини эгалламоқда¹.

Юқоридаги ҳолатларни инobatга олган ҳолда айтиш мумкинки, глобал рақобат кураши мунтазам ривожланиш тенденциясига эга бўлиб, рақобат курашининг кучайиши натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат жиҳатдан такомиллашуви билан биргаликда, уларнинг нархлари ҳам арзонлашиб боради. Бу эса рақобат курашининг кучайиши истеъмолчилар манфаатлари нуқтаи назаридан ижобий натижа беришига далолат қилади.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Бугунги кунда мамлакатлар томонидан амалга оширилаётган минтақавий иқтисодий сиёсат чора-тадбирлари уларнинг ихтисослашув даражасини кучайтириш орқали яхлит миллий иқтисодиётнинг глобал рақобатбардошлик кўрсаткичини яхшилашга қаратилган ҳисобланади. Умуман олганда, иқтисодий адабиётларда бугунги кунга қадар рақобатбардошлик иқтисодий категориясининг туб моҳиятини ёритишга қаратилган кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, улар томонидан олинган хулосалар тадқиқот объектидан келиб чиққан ҳолда шаклланганини кўришимиз мумкин.

Жумладан, Америка иқтисодий мактабида:

- М. Портер томонидан миллий рақобатбардошлик концепцияси ишлаб чиқилган;

¹ Головачев А.С. Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги: моҳияти, муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари // Иқтисодиёт ва бошқарув. – 2010. – № 2. – 3–12-бетлар.

- М. Энрайт томонидан минтақалар ва минтақавий кластерлар рақобатбардошлиги концепцияси асосланган.

Британия иқтисодий мактабида:

- Ж. Даннинг томонидан «ОЛИ-парадигмаси» (OLI-paradigm) илгари сурилган;

- Р. Карлинский ва Х. Шмицлар томонидан М. Портернинг «рақобат устунлиги» назарияси такомиллаштирилиб, унинг қўшилган қиймат билан боғлиқлик концепцияси ишлаб чиқилган;

- К. Фримен томонидан технико-иқтисодий парадигмалар концепцияси асосланган.

Скандинавия иқтисодий мактабида эса:

- Б.-О. Лундвалл ва Б. Йонсонлар томонидан миллий инновациялар тизими ва таълим иқтисодиёти концепцияси ишлаб чиқилган;

- Б. Аскхайм ва А. Изаксенлар томонидан минтақавий таълим (ўрганиш) иқтисодиёти концепциялари ишлаб чиқилган.

-Юқорида келтирилган олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар иқтисодий адабиётда рақобатбардошлик концепциясининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этувчи фундаментал илмий изланишлар қаторига киради.

Ушбу мақолада рақобат шароитида минтақавий агросаноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш стратегиясини такомиллаштиришга қаратилганлигини инобатга олган ҳолда, маҳсулот рақобатбардошлиги нуқтаи назаридан минтақавий агросаноатни ривожлантириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Умуман олганда, маҳсулот рақобатбардошлиги маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи ва рақобат курашида истеъмолчиларни ўзига жалб этиш мақсадида иштирок этувчи хўжалик субъектининг иқтисодий фаолияти, жумладан иқтисодиёт тармоғи, минтақа, мамлакат, ишлаб чиқариш омилларининг ҳолати, инвестиция муҳити каби кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлиги асосида баҳоланади. Бу эса минтақавий агросаноат рақобатбардошлигининг иерархик тузилишини аниқлаш заруратини юзага келтиради.

Шу ўринда, З.А. Васильева² томонидан амалга оширилган тадқиқот натижаларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Олим рақобатбардошлик тушунчасининг моҳиятини очиб беришда ишлаб чиқарилаётган ва экспорт қилинаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги кўрсаткичига асосланган ҳолда рақобатбардошлик тушунчасининг тўрт даражали иерархик тузилишини ишлаб чиққан (1-жадвалга қаранг).

Рақобатлашган бозор шароитида минтақавий агросаноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришда рақобат иқтисодий категориясининг мазмунини ёритиш билан бирга, иқтисодчи олимлар томонидан “минтақа” тушунчасига нисбатан шаклланган илмий қарашларни ҳам умумлаштириш талаб этилади. Бу орқали тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти ортади.

Жаҳонда глобал рақобат курашининг кучайиши шароитида мамлакатимиз минтақаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган ҳудудий стратегик режаларни давр талабларига мослаштириш зарур. Жумладан, сўнгги йилларда иқтисодиётни либераллаштириш бўйича амалга оширилаётган

ислохотлар натижасида содир бўлаётган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, минтақавий агросаноат ишлаб чиқаришини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларга устувор аҳамият қаратилмоқда.

1-жадвал.

Рақобатбардошлик тушунчасининг иерархик таркибий тузилиши³

Иерархик даража	Рақобатбардошлик тушунчасининг моҳияти
Мамлакат рақобатбардошлиги	Мамлакат томонидан халқаро бозор стандартларига мос келадиган товар ва хизматларни ишлаб чиқариш, ялпи ички маҳсулотнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш ҳамда аҳоли турмуш сифатини халқаро меъёрларга мувофиқ равишда ошириш имконияти.
Минтақа рақобатбардошлиги	Минтақа томонидан ички ва ташқи бозор талабларига мос келадиган товар ва хизматларни ишлаб чиқариш, минтақанинг иқтисодий салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш ҳисобига ялпи ҳудудий маҳсулотнинг барқарор ўсишини, шу жумладан мамлакат ялпи ички маҳсулотининг барқарор ўсишида минтақанинг улушини ошириш ҳамда минтақада яшовчи аҳолининг турмуш сифатини халқаро меъёрларга мувофиқ равишда таъминлаш имконияти.
Тармоқ рақобатбардошлиги	Тармоқ томонидан ички ва ташқи бозор талабларига мос келадиган товар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тармоқ таркибига кирувчи корхоналар томонидан юқори қўшилган қийматга эга, инновацион ҳамда юқори технологик қайта ишлашга асосланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, илмий-техника салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш ҳисобига тармоқнинг ривожланиш имкониятларини кенгайтириш.
Кластер рақобатбардошлиги	Вертикал интеграцияларни кучайтириш орқали ташқи ва ички бозор талабларига мос келадиган товар ва хизматлар ишлаб чиқаришда макротехнологик салоҳиятдан самарали фойдаланиш ҳисобига мультипликатив самарадорликка, шу жумладан ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш орқали рақобатда устунликка эришиш имконияти.

Шу ўринда Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг минтақаларни ривожлантириш бўйича билдирган қуйидаги фикрларига эътибор қаратиш лозим: «Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ёндашув ва тамойилларни тўлиқроқ шакллантириш, иқтисодийнинг ҳудудий ва тармоқ ривожланиши ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таъминлаш, бу жабҳадаги мавжуд салоҳият ва “нисбий устунлик” мезонларидан оқилона фойдаланиш ҳамда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда инсон капитали ва демографик омилларни инобатга олиш масалалари янги ёндашувларни талаб қилмоқда».

Президент томонидан билдирилган ушбу фикрларда минтақада ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятидан самарали

³ Васильева З.А. Иерархия понятий конкурентоспособности субъектов рынка [Электронный ресурс] // Маркетинг в России и за рубежом. – 2006. – № 2. – URL: <http://www.mavriz.ru/articles/2006/2/4109.html>
«составлено на основе представленных данных»

фойдаланиш, рақобат устунликларини шакллантириш ҳамда аҳоли турмуш сифатини ошириш масалалари устувор вазифалар сифатида белгилаб берилган⁴.

Президент томонидан билдирилган фикрларда минтақада ишлаб чиқаришни, жумладан, агросаноат соҳасини ривожлантиришда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда нисбий устунликка асосланиш лозимлигига алоҳида урғу берилгани, рақобат курашида устунликка эришиш устувор аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Минтақавий агросаноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш тарихига назар соладиган бўлсак, у ўзининг узоқ муддатли ривожланиш даврида етарли даражада кўп босқичларни босиб ўтганини кўриш мумкин. Аммо рақобат курашининг тобора кучайиши натижасида бугунги кунга келиб минтақавий агросаноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш борасида замонавий тамойил ва методларнинг, ёндашувларнинг шаклланиши кузатилмоқда.

Таҳлилларга кўра, ривожланган мамлакатларда юқори ўсиш даражасига эришилган бўлса-да, улар минтақавий агросаноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатларини узоқ вақт давомида барқарор сақлаб қололмаган. Шунинг учун ҳам рақобат курашининг кучайиши шароитида минтақавий агросаноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришга қаратилган ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш механизми, уларга таъсир этувчи омилларни тадқиқ этиш иқтисодий адабиётда илмий ва амалий жиҳатдан долзарб муаммо ҳисобланади.

Рақобат курашининг кучайиши шароитида минтақавий агросаноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини қайта кўриб чиқишда улар таркибининг ташқи омиллар таъсири билан боғлиқлиги, соҳани ривожлантиришда давлат ролининг тобора ортиб бораётгани, жумладан, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви объектив иқтисодий жараён сифатида ҳисобга олиниши лозим⁵.

Минтақаларни ривожлантириш стратегиясида ушбу методикадан фойдаланиш асосида минтақавий агросаноат ишлаб чиқаришини ташкил этиш, уни жойлаштириш ва ривожлантириш механизмини, шу жараёнда вужудга келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг илмий асосланган алгоритмик тузилишини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Умуман олганда, минтақанинг стратегик комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланиши мазмун-моҳиятан минтақанинг ривожланиш хусусиятлари ҳақидаги илмий билимнинг ўзига хос шакли сифатида қаралиши мумкин. Концепциядан минтақани стратегик бошқаришда фойдаланиш мақсадида уни шакллантириш муаммоларини тадқиқ этиш мазкур тавсифни аниқлаштиришни, уни минтақавий ривожланишнинг стратегик истиқболлари ҳақидаги илмий билим натижаси ва ушбу натижани баён қиладиган режа-ҳужжат сифатида кўриб чиқилишини тақозо этади.

Бундай ёндашув айти пайтда жамиятга тушунарли бўлган мамлакат ва минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг стратегик мақсадлари ва устуворликларини, уларни амалга ошириш механизмларини белгилаш зарурияти билан изоҳланади.

⁴ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. — Тошкент: «Ўзбекистон» нашриёти, 2021. — 148-бет.

⁵ Веттер А., Семидский В. Формирование механизма стратегического управления // *Экономика сельского хозяйства*. — 2009. — № 9. — С. 16–23.

Тарихий ёндашув минтақанинг генезиси, уни қарор топиши ва ривожланишининг ҳаракатлантирувчи кучлари ва омилларини тадқиқ қилишга йўналтирилган. Ўз навбатида, тузилмавий-функционал ёндашув тизимли методологияда мураккаб тизимларнинг моҳиятини тадқиқ қилишдаги энг асосий ёндашувлардан биридир. Маълумки, минтақанинг мураккаб тизим сифатидаги мазмун-моҳият хусусияти унга кирувчи алоҳида ташкилий шаклларнинг натижаси бўлиб, улар бажарадиган вазифалар билан белгиланади. Тизимли ёндашув бу ҳолатни тизимларнинг эмергентлиги, яъни тизимларда уларнинг элементлари таркибига кирадиган ва уларнинг ташкилий шаклидан келиб чиқадиган белгиларнинг давомий бўлмаган хусусиятларининг пайдо бўлиши билан изоҳлайди.

Минтақанинг ривожланиш қонуниятлари назарий, абстракт билиш натижаси бўлиб, ҳақиқатда улар у ёки бу ижтимоий-иқтисодий жараённинг ривожланиш йўналишларини белгилайди. Асосий, устувор йўналишни аниқлаш — ҳар қандай ривожлантирилаётган объектни тадқиқ қилишнинг зарур босқичидир. Уйғун ривожланаётган минтақани тадқиқ қилиш мантиқи унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўналишларини таҳлил қилиш орқали эмпирик материал тўплаб, унинг асосида тегишли қонуниятларни аниқлашдан иборат.

Ўз навбатида, муайян қонуниятларни англаш, уларга мос ва минтақалардаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар динамикасини белгилаб берувчи боғлиқликларни аниқлаш минтақаларни комплекс ривожлантиришнинг стратегик прогнозлари, концепциялари ва дастурларини илмий асослаш учун база вазифасини ўтайди.

Демак, минтақавий ривожланиш стратегияси минтақани бошқаришнинг устувор функцияси бўлиб, у прогнозлаш-таҳлил қилиш фаолиятдан иборат. Бунинг натижаси эса минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциялари, дастурлари ва прогнозларидир. А.Г. Гранбергнинг фикрича, минтақаларни ривожлантириш прогнозлари минтақавий такрор ишлаб чиқариш жараёнининг барча қирраларини қамраб олиши керак (2-жадвалга қаранг).

Уларни ишлаб чиқишда турли хил ҳужжатлардан фойдаланилади, масалан, аҳоли фаровонлигини ошириш стратегияси, ижтимоий инфратузилмани, фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг мақсадли дастурлари ва ҳоказолар. Аммо минтақавий прогнозлаш соҳасидаги аҳволни таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, минтақани стратегик бошқаришни илмий жиҳатдан таъминлаш муаммоларини ўрганишга етарлича эътибор қаратилмаган. Бу мазкур йўналишда илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг камлигида кўзга ташланади. Т.Ахмедов ва Б.Ғаниевнинг таъкидлашича: «минтақавий ривожланишни таҳлил қилиш ва прогнозлашнинг методологик базаси йўқ. Стратегик вазифаларнинг бажарилиши (вазият ва тенденцияларни таҳлил қилиш, минтақавий ривожланиш стратегияси ва прогнозларини ишлаб чиқиш, индикатив кўрсаткичлар мониторингини ўтказиш ва ҳоказолар) унификацияланган зарур услубий база билан мустақамланмаган»⁶.

2- жадвал

Минтақавий ривожланишни прогнозлаштириш тизими⁷

⁶ Ғаниев Б., Ахмедов Т. Актуальность региональной политики в Республике Узбекистан // Экономическое обозрение. – 2005. – № 1. – С. 30.

⁷ Гранберг А. Г. Основы региональной экономики. — М.: Высшая школа экономики, 2001. — 441 с.

Прогнозлаш даври	Иқтисодиёт даражаси ва қисмлари		
	Миллий иқтисодиёт	Миллий иқтисодиётнинг ҳудудий қисми	Минтақа
Узоқ муддатли	Стратегия	Стратегия Комплекс прогноз Ривожланишнинг бош схемаси	Стратегия
Ўрта муддатли	Дастур Прогноз	Комплекс прогноз Ҳудудий ривожланиш схемаси	Прогноз
Қисқа муддатли	Прогноз	Минтақавий прогноزلарни мувофиқлаштирилган tizими	Прогноз

Хорижий олимлардан Г.В. Гутман, А.А. Мирзоедов, С.В. Федин каби олимлар фикрларига кўра, минтақавий ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва уни бошқариш масалалари минтақани ўрганувчи фанлар тизимининг ягона йўналиши эмас. Ушбу фан тизимининг асосчиси сифатида У. Изард ҳисобланади. Айнан У. Изард ва В. Леонтьевлар минтақавий ташкилотлар иқтисодиётини бошқариш, режалаштириш, прогнозлаш ва стратегик бошқарув каби масалаларни қамраб олган ҳолда минтақавий фанлар предмети доирасини кенгайтирдилар⁸.

Минтақа иқтисодиётини тадқиқ этиш объекти, фан номланишидан маълум бўлганидек, мамлакат ҳудудлари ҳисобланади. «Минтақа» атамаси аниқ бир маъноли изоҳга эга эмас ва турли фан йўналишлари ҳамда тадқиқотчилар томонидан турлича талқин қилинади. «Минтақа», «ҳудуд», «вилоят» ва «туман» тушунчаларининг юзга яқин изоҳлари мавжуд.

А.Г. Гранбергнинг фикрича, минтақаларнинг ўзига хос хусусиятларига кўра турли хилда бўлиши ёки белгиланган мақсад бўйича уларни ўрганиш ёки амалий фаолиятда ҳудудлар майдонининг ҳаддан ташқари катта бўлиши ҳар бир мамлакат майдонини ҳудудий қисмларга бўлишни тақозо этади. Минтақа — бу ўзига хос яхлитликка эга бўлган ва ўзаро боғлиқ унсурлардан ташкил топган муайян бир майдон ҳисобланади. Мамлакат майдонини ҳудудларга бўлиш жараёни эса ҳудудийлаштириш деб аталади⁹.

Минтақа иқтисодиёти бўйича таниқли мутахассис Н.Н. Некрасов ҳудудларни ўз-ўзини бошқариш, яъни маъмурий-ҳудудий бўлиниш категорияларини ҳисобга олмаган ҳолда, фақатгина ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан кўриб чиққан. Н.Н. Некрасовнинг фикрича, «минтақа — бу маълум бир мамлакатнинг нисбатан бир хил табиий шароитга эга бўлган йирик қисми ҳисобланади ва асосан ижтимоий инфратузилма тараққиёти билан боғлиқ ҳолда табиий ресурслар салоҳияти асосида ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига йўналтирилади»¹⁰.

Турли олимларнинг таърифларида кўпроқ минтақалар ривожланишини бошқариш омилининг аҳамиятига эътибор қаратилган. Россиялик тадқиқотчилар Б.С.

⁸ Гутман Г.В., Мирзоедов А.А., Федин С.В. Управление региональной экономикой. — М.: Финансы и статистика, 2002. — 20 с.

⁹ Гранберг А. Г. Основы региональной экономики. — М.: ГУ ВШЭ, 2003. — С. 15–17.

¹⁰ Некрасов Н. Н. Региональная экономика. — М.: Экономика, 1978. — С. 29.

Бильчак ва В.Ф. Захаровларнинг таърифига кўра, «минтақа — бу ишлаб чиқариш тузилмаларида мулкчиликнинг барча шакллари иштирок этадиган, аҳоли жойлашуви, ишчи ўринлари, макон ва замон шароитида инсонларнинг маданий ҳаётини ўзида мужассамлаштирувчи ҳамда ўз маҳаллий бошқарув органларига эга бўлган, ижтимоий-иқтисодий мақсадларга йўналтирилган макон (вилоят, ҳудуд, республика) ҳисобланади»¹¹.

В.А. Долятовскийнинг таъкидлашича, минтақа деганда чекланган ички ресурсларга ва ташқи дунё талаби билан боғлиқ бўлган, ўз ишлаб чиқариш тузилмаларига эга мураккаб ҳудудий-иқтисодий комплексни ифода этувчи замонавий тушунча тушунилади¹².

«Минтақа нафақат мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий йўналтирилган комплекси ҳисобланади, — деб таъкидлайдилар А.С. Маршалов ва А.С. Новосёловлар, — балки ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг барча босқичларини ўзида акс эттирувчи тугалланган такрор ишлаб чиқариш циклининг нисбатан мустақил бир қисми ҳамдир»¹³. Европа Иттифоқи (ЕИ) ҳужжатларида «минтақа» тушунчасига қуйидагича таъриф берилади: географик жиҳатдан бир бутунликни акс эттирувчи ёки миллий бойликка эга бўлган, аҳолиси белгиланган умумий қийматни ўзаро тақсимлаб, ўз маданияти ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадлари йўлида ҳаракат қилувчи ҳудудий бирлик минтақа деб аталади¹⁴. Бошқа бир иқтисодчи олимларнинг минтақаларни уларнинг функционал роли ва маъмурий-хўжалик ҳамда иқтисодий-ишлаб чиқариш тизимларининг ижтимоий-иқтисодий тузилмаларига қараб турларга ажратишган¹⁵. Уларнинг фикрича, маъмурий-хўжалик тузилмаларига махсус давлат бошқарув органларига эга бўлган таълим тизими ва нисбатан ривожланган хўжалик тизимлари киради.

Минтақаларни аниқлашнинг асосий мезонларидан бири — ўз ҳукумати ва бошқарув органларига эга бўлиши ҳисобланади. А.М. Содиковнинг фикрига кўра, Ўзбекистон шароитида ҳудуд деганда Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоят, Тошкент шаҳри, шунингдек, республика маъмурий-ҳудудий бирликлари тушунилади. Масалан, Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларидан ташкил топган Фарғона минтақаси (иқтисодий район).

Мамлакатимиз шароитида маъмурий районлар ва шаҳарларни ҳудуд деб қараш мумкин эмас, ҳолбуки Россияда баъзи олимлар маъмурий район ва шаҳарларни ҳам ҳудуд сифатида ўрганадилар.

И.Б. Муртазаевнинг тадқиқот ишларида «минтақанинг қишлоқ хўжалиги ҳудудий ихтисослашуви фойдаланилмаётган экиш майдонлари, ер балл бонитети, сув

¹¹ Бильчак В. С., Захаров Р. Ф. Региональная экономика. — Калининград: Янтарный сказ, 1998. — С. 13.

¹² Долятовский В. А. Зарубежный опыт комплексного развития регионов // *Регионоведение*. — 2002. — № 2–3. — С. 45–52.

¹³ Маршалов А. С., Новосёлов А. С. Основы теории регионального воспроизводства. — М.: Наука, 1998. — С. 14.

¹⁴ Родионова И. А. Региональная экономика. — М.: Экзамен, 2003. — С. 10.

¹⁵ Сергеев М., Рыкова И., Демёнов А. Региональная экономика и закономерности её развития. — М., 1985. — С. 8.

билан таъминланганлик даражаси ва аҳоли малакаси каби омиллар орқали такомиллаштириш»¹⁶ таклифлари асослаб чиқилган.

Шундай қилиб, «минтақа» тушунчаси ягона таърифга эга эмас. Биз ҳудуд иқтисодиёти доирасида «минтақа» тушунчасига ижтимоий-иқтисодий тизимнинг ўзига хос бутунлигини ифодаловчи, мамлакатнинг бошқа ҳудудларидан хўжалик юритиш ихтисослиги ва иқтисодий ривожланиш даражаси билан фарқланиб турувчи минтақавий бирлик сифатида қараймиз. Минтақанинг асосий хусусиятлари — унинг бир бутунлиги ва ўзига хослиги, иқтисодий боғлиқлиги ва хўжалик юритишдаги ўйғунлиги ҳамда алоҳида саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқларига ихтисослашганлиги ҳисобланади.

Минтақанинг бир бутунлиги ва унинг ўзига хослиги табиий ресурс имкониятларидан рационал фойдаланиш, турли тармоқлар фаолиятини мутаносиб ташкил этишдан иборат. Иқтисодий умумийлик — минтақанинг ички ва ҳудудлараро ишлаб чиқариш ва технологик алоқаларининг барқарорлиги, шунингдек, алоҳида малака, анъана, ҳаёт тарзи, таълим даражаси ва бошқаларга эга бўлган аҳоли қатламини ифодалайди. Минтақавий хўжалик юритиш комплексилиги эса ҳудуд ишлаб чиқариш кучлари ривожланишини баланслаштириш ҳисобланади, бу хўжалик юритиш унсурлари ўртасидаги шундай боғлиқликни англатадики, унинг асосида халқ хўжалигининг асосий функцияси, яъни ҳудудий ихтисослашув самарали амалга оширилади ва бунда минтақанинг ички номуносивликларига йўл қўйилмайди ҳамда минтақа доирасида ресурс салоҳияти асосида такрор ишлаб чиқариш жараёнини кенгайтириш имконияти сақланиб қолади.

Фикримизча, минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш иқтисодий сиёсатнинг устувор ва таркибий йўналишларидан бири ҳисобланади. Минтақаларнинг барқарор иқтисодий ривожланиши мамлакат иқтисодий тизимининг мувозанатли ҳамда изчил ўсишини таъминловчи асосий омиллардан бири сифатида намоён бўлади. Шу боис, ҳудудий ривожланишни бошқариш масалалари давлатнинг стратегик иқтисодий сиёсатида муҳим ўрин эгаллайди.

Мамлакатда амалга ошириладиган иқтисодий ислохотлар жараёнида бошқарув тизимини марказлашган моделдан босқичма-босқич децентрализациялаш, яъни ваколатларнинг муайян қисмини марказдан минтақавий ва тармоқ даражаларига ўтказиш устувор вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. Бу жараён ҳудудларда мақсадли дастурларни амалга ошириш, маҳаллий бошқарув органларининг ҳуқуқий, институционал ва иқтисодий ваколатларини кенгайтириш, шунингдек, уларнинг жавобгарлиги ва ҳисобдорлигини ошириш билан узвий боғлиқдир.

Минтақа иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш мамлакатнинг умумий иқтисодий сиёсатида кўзда тутилган мақсад ва вазифалар билан бевосита мувофиқлаштирилиши лозим. Хусусан, минтақавий агросаноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадлар барқарорлигини ошириш ҳамда ҳудудлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий тафовутларни қисқартириш имконияти яратилади. Бу эса ўз навбатида

¹⁶ Муртазаев И. Б. Навоий вилояти иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари: автореф. дис. ... PhD. — Тошкент, 2021. — 57 б.

мамлакат иқтисодиётининг умумий барқарорлиги ва рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилади.

Натижада, минтақавий ривожланиш сиёсати иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш билан бир қаторда, ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳудудий ресурслардан рационал фойдаланиш ва ҳудудлар кесимида иқтисодий мувозанатни шакллантиришга қаратилган тизимли ёндашув сифатида тавсифланади.

Хулоса ва таклифлар

Олиб борилган таҳлиллар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, у миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва рақобатбардошлигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Минтақаларнинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, уларнинг ихтисослашувини чуқурлаштириш ва ҳудудий ресурслардан оқилона фойдаланиш иқтисодий ўсишнинг асосий манбаи ҳисобланади.

Шу муносабат билан қуйидаги илмий-амалий таклифларни илгари суриш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Минтақавий ривожланишни бошқаришда стратегик режалаштириш ва прогнозлаш механизмларини такомиллаштириш ҳамда уларни миллий иқтисодий сиёсат билан узвий уйғунлаштириш зарур.

2. Ҳудудларда иқтисодий фаолликни ошириш мақсадида маҳаллий бошқарув органларининг молиявий ва институционал ваколатларини кенгайтириш, уларнинг масъулияти ва ҳисобдорлигини кучайтириш лозим.

3. Агросаноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш орқали минтақаларда барқарор бандликни таъминлаш, аҳоли даромадларини ошириш ва ҳудудий иқтисодий номутаносибликларни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларни тизимли амалга ошириш зарур.

4. Минтақаларда инвестиция муҳитини яхшилаш, инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш ҳамда ишлаб чиқаришнинг рақобатбардош тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилган дастурларни кучайтириш мақсадга мувофиқ.

Ушбу таклифларни амалга ошириш минтақавий ривожланиш сиёсатининг самарадорлигини ошириш, ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий фарқларни қисқартириш ҳамда мамлакат иқтисодиётининг узоқ муддатли барқарор ўсишини таъминлашга хизмат қилади.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. Головачев А.С. Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги: моҳияти, муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари // Иқтисодиёт ва бошқарув. – 2010. – № 2. – 3–12-бетлар.

2. Васильева З.А. Иерархия понятий конкурентоспособности субъектов рынка [Электронный ресурс] // Маркетинг в России и за рубежом. – 2006. – № 2. – URL: <http://www.mavriz.ru/articles/2006/2/4109.html> «составлено на основе представленных данных»

3. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. — Тошкент: «Ўзбекистон» нашриёти, 2021. — 148-бет.

4. Веттер А., Семидский В. Формирование механизма стратегического управления // *Экономика сельского хозяйства*. – 2009. – № 9. – С. 16–23.

5. Гранберг А. Г. Основы региональной экономики. — М.: Высшая школа экономики, 2001. — 441 с.

6. Ганиев Б., Ахмедов Т. Актуальность региональной политики в Республике Узбекистан // *Экономическое обозрение*. – 2005. – № 1. – С. 30.

7. Гутман Г.В., Мирзоедов А.А., Федин С.В. Управление региональной экономикой. — М.: Финансы и статистика, 2002. — 20 с.

8. Гранберг А. Г. Основы региональной экономики. — М.: ГУ ВШЭ, 2003. — С. 15–17.

9. Некрасов Н. Н. Региональная экономика. — М.: Экономика, 1978. — С. 29.

10. Бильчак В. С., Захаров Р. Ф. Региональная экономика. — Калининград: Янтарный сказ, 1998. — С. 13.

11. Долятовский В. А. Зарубежный опыт комплексного развития регионов // *Регионоведение*. – 2002. – № 2–3. – С. 45–52.

12. Маршалов А. С., Новосёлов А. С. Основы теории регионального воспроизводства. — М.: Наука, 1998. — С. 14.

13. Родионова И. А. Региональная экономика. — М.: Экзамен, 2003. — С. 10.

14. Сергеев М., Рыхова И., Демёнов А. Региональная экономика и закономерности её развития. — М., 1985. — С. 8.

15. Муртазаев И. Б. Навоий вилояти иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари: автореф. дис. ... PhD. — Тошкент, 2021. — 57 б.